

# **1. «Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун ариза бериш» интерактив хизмати РЕГЛАМЕНТИ**

## **1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорти)**

### **1.1. Интерактив хизмат номи**

Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун ариза бериш

### **1.2. Интерактив хизмат натижаси**

Веб-сайтнинг ушбу интерактив хизмат бўлимига кирганда Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун ариза бериш бўйича маълумотларни фойдаланувчи компьютерга юклаб олиш ҳамда онлайн ариза юбориш имкони яратилади

### **1.3. Интерактив хизмат кўрсатувчи ташкилот ва корхоналар ва хизмат кўрсатиш манзили**

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сатида интерактив хизматлар хаволасида мавжуд веб-сайтдаги хаволаси:  
<http://interaktiv.namangan.uz>

### **1.4. Қонуний асослар**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 357-сонли қарори асосида амалга оширилади.

### **1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

Жисмоний ва юридик шахслар

### **1.6. Мурожаат бериш муддати**

15 иш кунидан 30 иш кунигача бўлган вақт мобайнида

## **2. Хизматдан фойдаланувчилар учун маълумот**

### **2.1. Маълумотлар таркиби ва ҳажми**

Турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун ариза бериш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, уларни ташкил қилиш бўйича фуқаролар аризаларини қабул қилиш.

### **2.2. Сўров бўйича маълумот бериш**

Сўровнома юбориш кўзда тутилмаган Вилоят Ҳокимлигининг расмий веб-сайтига кириб бир лаҳзада маълумот олиш ёки онлайн ариза юбориш мумкин

### **2.3. Интерактив хизматни кўрсатиш жойида маълумот бериш**

Наманган вилояти ҳокимлигининг расмий веб-портали

### **2.4. Фойдаланиладиган ариза ва бланкалар (шакллар)**

Тасдиқланган бланкалар асосида

## **3. Хизмат кўрсатиш**

### **3.1. Иш вақти**

24 соат

### **3.2. Кутиш талаблари**

Кутиш шартлари мавжуд эмас.

## **4. Хизмат кўрсатиш жараёнлари**

### **4.1. Зарурий ҳужжатлар**

1. Ариза берувчининг мавжуд турар жой биносига ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси
2. Тегишли ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси томонидан тайёрланган бинонинг тарихи нусхаси
3. Бинога биргаликда эгалик қилувчилар ва оила вояга етган аъзоларининг турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказишга нотариал тасдиқланган ёзма равишдаги розилиги
4. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг розилиги

### **4.2. Хизмат нархи.**

Энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдорда. Қайта таъмирлаш лозим бўлган ҳолатларда архитектор хулосасига биноан, энг кам иш ҳақининг 1 баробаридан 10 баробаригача бўлган миқдорда.

### **4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари**

Босқичлар мавжуд эмас

### **4.4. Хизмат натижаси**

Ариза берувчи турар жойни нотурар жой тоифасига ўтказиш учун рухсатнома олиш учун қарор нусхасини электрон ҳамда қоғоз шаклида олиш ёки рад жавобни олиш

### **4.5. Рад этиш асослари**

1. Хизмат регламентида кўзда тутилган ҳужжатларни тақдим этмаслик
2. Тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққоний эмаслиги
3. Ҳақоратли ва кўлланилиши қабул қилинмаган сўзлар ҳамда ҳар хил рекламалар мавжуд бўлган аризалар
4. Бошқа қонунга зид бўлган ҳар қандай ҳаракатлар

## **5. Сифатини таъминлаш**

### **5.1. Сифат**

Юридик шахслар томонидан илгари сурилган масалалар бўйича қайта мурожаатлар йўқлиги.

### **5.2. Сифатсиз хизматдан шикоят қилиш**

Юридик шахс томонидан мурожаатига асосан қабул қилинган жавоб юзасидан аниқ сабабларни кўрсатган ҳолда шикоят бериши мумкин.

**Хизматни кўрсатиш схемаси: «Тураар жойни нотураар жой тоифасига ўтказиш учун ариза бериш»**

